



№13 (866)
2025 йил 21 февраль,
жума

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА



Ҳозирда Президентимиз ташаббуси билан 20 минг гектар майдонда Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш ишлари бошланган. Бу лойиҳа Ўзбекистоннинг урбанизация жараёнида муҳим қадам бўлади.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Шерзод Ҳидояттов.

“БОҒИДАШТ”ДАГИ “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВИ аҳоли учун замонавий, хавфсиз ва фаровон яшаш муҳитини таъминлашга хизмат қилади

uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.



Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида

“Туркий дунё шаҳарсозлик курултойи” бўлиб ўтди

Самарқанд шаҳрида “Туркий дунё шаҳарсозлик курултойи” бўлиб ўтди. Мазкур нуфузли анжуман “Туркий дунё муҳандислари ва архитекторлар иттифоқи” ташаббуси билан ташкил этилди.

Унинг асосий мақсади – туркий давлатлар ўртасида шаҳарсозлик, меъморчилик ва қурилиш соҳаларида ҳамкорлиқни кенгайтиришга қаратилган. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Шерзод Ҳидояттов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Савдо-саноат палатаси вакиллари, шунингдек, Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа мамлакатлардан юқори мартабали меҳмонлар иштирок этишди.

Туркий давлатлар ўртасида илмий, технологик ва амалий тажриба алмашинувини кучайтириш, шунингдек, минтақавий шаҳарсозлик лойиҳаларини ривожлантиришга хизмат қилиши

кутилаётган анжуманда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири нутқ сўзлади. Вазиr ўз нутқида Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги тарихий яқинлик ҳамда қурилиш соҳасидаги ҳамкорликнинг юксалаётганини таъкидлади. У туркиялик қурилиш компаниялари ва архитекторлар мамлакатимизда фаолият юритиб, замонавий шаҳарсозлик лойиҳаларига ўз хиссасини қўшаётганини қайд этди.

– Шаҳарларни кенгайтириш ва янги шаҳарлар барпо этиш Ўзбекистоннинг шаҳарсозлик йўналишидаги асосий вазифалардан биридир, – деди Шерзод Ҳидояттов. – Ҳозирда Президентимиз ташаббуси билан 20 минг гектар майдонда Янги Тошкент шаҳрини барпо

этиш ишлари бошланган. Бу лойиҳа Ўзбекистоннинг урбанизация жараёнида муҳим қадам бўлади.

Нутқ якунида у қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш зарурлигини қайд этиб, Янги Тошкент ва бошқа йирик лойиҳалар доирасида кўп қаватли уйлар қуриш, муҳандислик коммуникацияларини модернизация қилиш ва инфратузилмани ривожлантириш бўйича хорижий инвесторларни ҳамкорликка чорлади.

Шунингдек, курултойда Янги Тошкент лойиҳаси ҳам тақдирот қилинди. Унда лойиҳа концепцияси, босқичлари ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Тадбир



иштирокчилари Янги Тошкент нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа учун йирик урбанизация лойиҳаси эканини таъкидлаб, унинг келажақдаги стратегик аҳамиятига алоҳида урғу қаратдилар. Тақдирот давомида Янги Тошкентнинг инновацион инфратузилмаси, экологик барқарорлиги ва замонавий шаҳарсозлик ёндашувларига асосланган ривожланиш модели ҳақида фикр юритилди.

Қолаверса, лойиҳада халқаро инвестицияларни жалб қилиш, бизнес ва

инновациялар марказини яратиш, яшил энергия ва ақли шаҳар технологияларидан кенг фойдаланиш режалари ҳам муҳокама қилинди. Туркий давлатлар вакиллари мазкур йирик лойиҳага катта қизиқиш билдирди. Турли йўналишларда ҳамкорлик қилиш бўйича ўз тақлифларини илгари суришди. Курултой доирасида муҳокама қилинган тақлифлар ва ташаббуслар Янги Тошкентнинг глобал даражадаги нуфузини ошириш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

“Каркидон” сув омбори ҳудудида “Яшил белбоғ” яратилмоқда

Фарғона вилоятида аҳолининг томорқа ва ижара ерларидан самарали фойдаланиш орқали даромадларини ошириш масаласига бағишланган Республика кўргазмали семинари бўлиб ўтди.



Ушбу семинар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланган янги тизим доирасида ташкил этилган бўлиб, тадбирда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматов ҳам қатнашди.

Дастлаб иштирокчилар Кува тумани “Каркидон” сув омбори ҳудудида барпо этилган “Яшил белбоғ” лойиҳаси доирасида даракт экиш тадбирида қатнашдилар. Ушбу ташаббус атроф-муҳит мусоффолигини сақлаш ва яшил ҳудудларни кенгайтиришга қаратилган. Вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси учун ажратилган 3 гектар ер майдонига манзарали даракт кўчатлари экилди.

“Каркидон” сув омбори ҳудудида 270 гектар майдонда 108 мингта 15 турлаги даракт кўчатларини экиш режалаштирилган.

Ушбу семинар кишлоқ хўжалиги ерлари ва табиий ресурсларидан самарали фойдаланиш, экологик мувозанатни сақлаш ҳамда аҳолининг даромадларини ошириш бўйича муҳим ташаббуслардан бири бўлиб, унинг натижаси келгуси йилларда ўз самарасини бериши кутилмоқда.

“ҚУРИЛИШДА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ” электрон тизими бўйича семинар

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари учун “Қурилишда давлат назорати” электрон тизими бўйича амалий семинар ўтказилди.

Семинарда Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш республика маркази ҳамда инспекция мутахассислари иштирок этиб, янги электрон тизимнинг афзалликлари, унинг амалий қўлланилиши ва инспекция фаолиятидаги ўрни бўйича батафсил тушунтиришлар берилди. Семинар давомида “Қурилишда давлат назорати” электрон тизимининг ишлаш тамойиллари, қурилиш жараёнларида назорат самарадорлигини оширишдаги

роли, шаффофлик ва очиқликни таъминлашдаги аҳамияти муҳокама қилинди.

Мутахассислар тизимнинг афзалликлари ҳамда уни амалиётга жорий этиш бўйича тажриба алмашдилар. Мазкур тизим инспекция фаолиятини рақамлаштириш, назорат жараёнларини автоматлаштириш ва натижада қурилиш сифатини оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

ҚУРИЛИШГА ОИД АТАМАЛАРНИНГ ИЗОҲДИ ЛУҒАТИ ЧОП ЭТИЛДИ

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Компетенцияни ривожлантириш институти томонидан “Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги атамаларининг изоҳди луғати” чоп этилди.

Бугунги кунда бунёдкорлик ва аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш соҳаси жамиятнинг муҳим бўғинлари ҳисобланиб, иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларига айланган. Соҳалардаги кенг қўламли техника ва технологиялар татбиқ этилишини ҳам жадаллаштиради. Бу эса, ўз навбатида, соҳага доир янги сўз ва атамалар истеъмолга киришини тақозо этмоқда. Мазкур жараёнда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ўзбек тили мавқеини мустаҳкамлаш, давлат тили нуфузини ошириш ва унинг софлигини асраш муҳим вазифадир. Айниқса, замонавий атамаларнинг ўзбек тилидаги

муқобилларини яратиш ҳамда соҳадаги янги тушунчаларнинг турлича номланишини олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасига оид сўз ва сўз бирикмаларининг луғатини яратиш ҳамда уни соҳа вакиллари орасида кенг оммалаштириш орқали ўзбек тили софлигини сақлаш мақсад қилинган. Ушбу тўплам мазкур йўлдаги муҳим қадамлардан биридир. Қўлланма келгуси йилларда янада бойитилиб, тақомиллаштирилиб борилиши режалаштирилган. Ушбу луғатда 15 мингта яқин сўз ва сўз бирикмалари ҳамда уларнинг изоҳлари жамланган. Ўйлаймизки, мазкур китоб соҳа вакиллари учун фойдали қўлланма бўлади.



Университетнинг янги ўқув биноси фойдаланишга топширилди



Андижон давлат университетининг 1 минг 800 ўринли янги барпо этилган ўқув биноси фойдаланишга топширилди.

Университет профессор-ўқитувчилари, талабалари, кенг жамоатчилик вакиллари, меҳнат фахрийлари иштирокида янги ўқув биносининг очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновация вазири Қўниротбой Шарипов, Андижон вилояти ҳокими Шухратбек Абдурахмонов сўзга чиқди. Улар томонидан кейинги йилларда мамлакатимизда олий ўқув юр்தларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мослаштирилган бинолар қуриш, мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга қаратилган кенг қўламли ишлар олиб борилаётгани, Андижон давлат университетиде янги ўқув биносининг барпо этилиши ана шу йўналишдаги ишлардан бири эканлиги таъкидланди.

Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан умумий лойиҳа қиймати 45 миллиард 444 миллион сўмга тенг, замонавий архитектурага эга, етти қаватли янги ўқув биноси Андижон вилоятидаги “426-ХИКМК” масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан барпо этилди. Янги бинода 15 та кенг ва қулай маърузалар зали, барча қулайликларга

эга 24 та лаборатория, 17 та ўқув, 11 та энг сўнгги ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган компьютер хоналари, шунингдек, кутубхона, архив ҳамда ошхона мавжуд. Ўқув, лаборатория хоналари интерактив доскалар, замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган.

Тадбир иштирокчилари, меҳмонлар ўқув биносининг имкониятлари билан яқиндан танишди, илмий ва амалий дарслар учун барча зарур жиҳозлар билан таъминланган ўқув аудиториялари, фанлар лабораториялари талабалар учун нафақат билим олиш, балки инновацион ғояларни амалга ошириш имкониятларини кенгайтириш, университетнинг илм-фан соҳасида янада юқори марраларга эришишида муҳим роль ўйнаши айтиб ўтилди, деб хабар қилади ЎЗА мухбири Фахриддин Убайдуллаев.

Барча қулайликларга эга янги бинода университет талабаларининг халқаро андозалар даражасида билим олиши, малакали мутахассис бўлиб етишиши, профессор-ўқитувчиларнинг самарали иш олиб бориши учун кенг имкониятлар яратилган.



Озод ШОДИЕВ, Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, вилоят бош архитектори.

ЭЗГУ ИСЛОҲОТЛАР халқимизнинг тинч ва фаровон турмуш кечиришига хизмат қилади

Юртимизда қурилиш соҳаси миллий иқтисодиётнинг муҳим устувор тармоғи сифатида белгиланган бўлиб, давлатимиз раҳбари томонидан соҳани ривожлантириш орқали халқимизга муносиб турмуш шароитларини яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 2024 йил 17 апрелдаги 214-сон қарори ижроси юзасидан 2024 йилда Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси қошидаги Архитектура-шаҳарсозлик кенгаши томонидан жами 44 та йиғилиш ўтказилди. Бунда туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан юборилган жами 335 та ер танлаш материаллари қўриб чиқилиб, шундан 108 тасига кенгаш томонидан тўғридан-тўғри ва тегишли шартлар асосида ижобий хулоса берилди ва 222 та материал кенгаш комиссияси аъзолари томонидан рад этилди.

Соҳани рақамлаштириш ишларига эътибор қаратилиши натижасида вилоятда фаолият юритаётган 1390 та пудрат ташкилотидан 830 тасининг молиявий ҳолати яхшиланиб, рейтингга киритилиши эвазига ўтган йил давомида 4 мингта янги иш ўрни яратилди. Бу шундан далолатки, қурилиш ишлари ҳажми йилдан-йилга ортмоқда. 2024 йилда вилоятда қурилиш-пудрат ишлари ҳажми қарийб 10 трлн сўмни ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан 115,0 фоизга ўсди. Қурилиш ишларига янги технологиялар ва маҳаллий материалларни қўллаш натижасида 86 млрд сўм маблағ иқтисод қилин-

ди. Ушбу тежаб қўлинган маблағлар 4 та янги таълим муассасаси объектлари ҳамда дастур доирасида лимити етишмаган 17 та объектнинг қурилиш-таъмирлаш ишларига йўналтирилди. Навоий шаҳрининг Фаровон ва Ёшлик маҳаллалари ҳудудидаги 1100 гектар ер майдонида “Янги Навоий” шаҳарчаси ташкил этилаётгани ҳам вилоятдаги бунёдкорлик ишларининг кўлами қай даражада кенглигидан далолат беради. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун лойиҳа ташкилоти сифатида “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДМ танлаб олинган. 1985-2023 йилларда 173 гектар ер майдонида қурилиш ишлари амалга оширилган бўлса, янги лойиҳа бўйича 2024 йилнинг ўзида 277 гектар ер майдонида бунёдкорлик ишлари олиб борилди.

Қишлоқларда ва шаҳарларда истикболли қурилишларни ташкил қилиш, ноқонуний ҳамда режасиз ишларнинг олдини олиш максасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПҚ-299-сонли қарори билан тасдиқланган Дастур доирасида Навбахор туманидаги “Меҳнат” МФЙ, Қизилтепа туманидаги “Оқсоч” МФЙ, Конимех туманидаги “Тўқизтепа” МФЙ ва Нурота туманидаги “Каттасой” МФЙларнинг шаҳарсозлик жихатидан ривожлантириш схемалари ишлаб чиқилди. Зарафшон шаҳри бош режасини ўзгартириш (корректур), Нурота туманидаги Янги бино шаҳарчаси, Қизилтепа туманидаги Ҳусбиддин

ва Баланд Ғардиён шаҳарчаларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишлари якунланмоқда.

Шунингдек, вилоятдаги бошқарув ташкилотлари томонидан ўтган йилда 532 та кўп квартиралы уйда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Хусусан, уйларнинг том қисми, фасад қисми, кириш йўлаклари, ертўла қисмидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялар ҳамда электр тақсимловчи шитлар таъмирланди. Лифт ускуналарини янгисига алмаштириш ишлари ҳам якунланмоқда. Бундан ташқари, вилоят ҳудудида фаолият юритиб келаётган 64 та бошқарув ташкилотида 24/7 режимида фаолият олиб бораётган авария диспетчерлик хизматлари ташкил қилинган.

Албатта, 2025 йилда ҳам олдимизда турган вазифалар жуда кўп. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 12 декабрда қабул қилинган “Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди белгиланган “Янги Навоий” шаҳарчаси ишбилармонлик маркази ва “Янги Ўзбекистон” боғида муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий инфратузилма объектлари қурилиши бўйича дастлабки ишларни бошлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш максасида вилоят маҳаллий бюджетига 100 млрд сўм ажратилиши белгиланган. Айни кунда ушбу ҳудудларда ер ишлари олиб борилмоқда.

Ўйлаймизки, бу каби эзгу ислоҳотлар халқимизнинг тинч ва фаровон турмуш кечиришига хизмат қилади.

Архитектура ёдгорликлари – маданий бойлигимиз

Бухоро вилоятида маданий мерос объектлари ва уларга туташ ҳудудларда ободонлаштириш ишларини ташкил этиш, аҳоли ва сайёҳлар учун зарур шарт-шароитни яратиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда янги имкониятларни ишга солиш борасидаги амалий ишларга киришилди.

Аҳамиятлиси, бу кенг қўламдаги хайрли иш жорий йилнинг сентябрь-ноябрь ойларида Бухоро тарихий маркази ҳудудида ўтказилиши режалаштирилган Халқаро замонавий санъат биенналеси олдидан амалга оширилмоқда. Халқаро архитектура

ва санъатнинг илғор ютуқлари асосида ўтказилиши таклиф этилаётган халқаро биеннале Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида биринчи бўлиб ташкил қилинади.

Биенналени ЮНЕСКО шафелигида ўтказиш ҳамда БАА, Франция, Буюк Британия, Саудия Арабистони каби мамлакатларнинг етакчи санъат ташкилотлари вакилларидан иборат Халқаро кенгаш томонидан бошқариш назарда тутилган. Мазкур халқаро тадбирнинг архитектуравий ечимларини ишлаб чиқиш мақсадида БААнинг “Wai wai design” архитектура ташкилоти жалб қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси раисининг ўринбосари Азиз Маннапов, “Wai wai design” хорижий компания асосчиси, мазкур Биеннале куратори Vayel al Avar, чет эллик архитектор мута-

Яшил жамоат парклари сўлим масканга айланади

Кейинги йилларда бевосита давлат раҳбарининг ташаббуси билан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида катта йўллар ёқалари, дала четлари, маҳаллалардаги кўчаларга, идора ва ташкилотлар атрофига манзарали ҳамда мевали дарахтлар кўчатлари экилиб яшил ҳудудлар кенгайтирилмоқда.

Мана шундай хайрли ишлар доирасида Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 26 мартдаги “Жамоатчилик фикри асосида ишлаб чиқилган “Менинг боғим” лойиҳаларини шакллантириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ижроси доирасида жойларда “Менинг боғим” лойиҳаси доирасида кўркам “Яшил жамоат парклари” ташкил этилмоқда.

Бу борада Қашқадарё вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, қарор ижроси доирасида ўтган 2024 йилда вилоятда “Менинг боғим” лойиҳаси доирасида аҳоли ташаббуслари асосида ғолиб деб топилган 16 та лойиҳа бўйича жами 12,26 гектар, шундан 13 та жами 11,03 гектар майдонда “яшил боғлар” ҳамда 3 та жами 1,23 гектар ерда “Яшил жамоат парклари” барпо этиш юзасидан лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва вилоятдаги ўрмон хўжаликлари билан шартномалар тузилиб, “Яшил боғлар” ҳамда “Яшил жамоат парклари” барпо этилди. Барпо этилган “Яшил боғлар” ҳамда “Яшил жамоат парклари”да 6 минг 780 дона мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилиши таъминланди.

Жумладан, вилоятнинг Касби туманига қарашли Ҳўжақарлик қишлоғи устидан ўтadиган катта йўл ёқасида 80 сотих заҳира ер майдонида “Яшил жамоат парки” ташкил этилди.

Қишлоқ аҳолисининг ғолиб бўлган ташаббуси эвазига барпо этилган паркда қайрағоч, катальпа, сирень, япон сафораси ва шарқ тувси каби 1 минг 600 тулға акин манзарали кўчат экилди. Бундан ташқари, парк ташкил қилинишидан олдин экилган мевали дарахтлар кўчатлари ҳам қолдирилди.

– Ушбу парк учун 211 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилган, – деди вилоят экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси бош мухтассиси Элёр Зиёдов ўЗА мухбири Ўлмас Баротова. – Боғни барпо қилиш учун

“Қашқадарё” давлат ўрмон хўжалиги билан шартнома қилинган. Ҳозирги кунда парк ҳудудига кўчат экиш, йўлақлар қуриш, қуёш панеллари ёрдамида ишлайдиган тулғни ёритиш чироклари ўрнатиш ишлари якунланган.

Таъкидлаш лозимки, бундай “Яшил жамоат парклари” ҳар йили туманлардаги маҳаллалар аҳолисининг “Open byudjet” платформасида ғолиб бўлган ташаббуслари асосида барпо этилади, яъни битта туманда, битта маҳаллада ташкил этилади. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қароридан келиб чиққан ҳолда бу каби ташаббусли танловлар 10 йил давомида тизимли ўтказилди. Якунда вилоятнинг 16 та шаҳар ва туманларида 160 та “Яшил жамоат парклари” ташкил қилинишига эришилди.

– Қишлоғимиз четида бунёд қилинган бу боғ одамларимизни жуда қувонтирди, – деди Ҳўжақарлик қишлоғилик Латифжон Саломов. – Аввал Ҳўжақўрсинга қилинган ишлардан бири бўлса керак деб ўйладики, леким мана кўрпимизки чироғли масканга айланиб бормоқда. Ҳадемай бир икки йилда экилган кўчатлар соя бериб яшилликка бурканади. Шунда янаям кўркам боғга айланади.

Масъулларнинг таъкидлашича, бундай ташкил этилган парклар шунчаки ташлаб қўйилмайди. Масъул ўрмон хўжалиги томонидан уч йил давомида кўчатларнинг барқарор ўсиши, тутмаганларини ўрнига экилиши, суғориш ишлари тўлиқ назорат қилиб борилади. Бунинг учун ҳар битта яшил парк учун бир нафардан ҳодим ажратилади ва ўша ходим ҳар куни паркда ишларни ташкил қилади.

Мухтасар қилиб айтганда олис қишлоқ жойларда ташкил этилаётган бу каби “Яшил жамоат парклари” нафақат ҳудудга яшилликни, тоза хавони олиб қиради, балки қишлоқ одамларининг маданий ҳордиқ чиқаришига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Шодиёр ДЖАМАНКУЛОВ,
“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи в.в.б.



Азим шаҳарнинг замонавий қиёфасини яратяпмиз

Самарқанд азалдан бино-иншоотлари билан машхур. Сўнгги йилларда амалга оширилиаётган кенг қўламдаги қурилиш-бунёдкорлик ишлари эса азим шаҳарнинг замонавий қиёфасини янада кўркамлаштиришга хизмат қилмоқда. Бу борада “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси ҳодимларининг ҳам хизмати катта бўлаётганини таъкидлаш ўринлидир.

Чунки экспертиза жараёнида лойиҳа ҳужжатларининг ШНҚ ва бошқа қатор конун-қоидаларга мослиги, зилзилабардошлиги ҳамда энергия тежамкорлигига алоҳида эътибор қаратиш келгусида ушбу иншоотларда яшайдиган инсонлар хавфсизлигининг гаровидир. Шу боис, бошқарма ҳодимлари ўз вазифасига доимо масъулият билан ёндашишига ҳаракат қилади.

Таъкидлаш керакки, бошқармага 2025 йилнинг 1 январь санаси бўйича “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимидаги “Лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш” электрон платформаси орқали келиб тушган 1291 та объектнинг лойиҳаларига йиғма эксперт хулосалари тақдим этилди. Экспертиза жараёнида лойиҳа ечимларини яхшилаш ва уларни норматив талабларга мослаштириш, лойиҳалардан асосси кўзда тутилган харажатларни чиқариб ташлаш ҳисобига 1143,7 млрд сўм маблағ тежашга муваффақ бўлди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25

декабрдаги “2024 – 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-404-сонли қарорига асосан, инвестиция дастури доирасида жами 224 та объект бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларининг қиймати 1183,7 млрд сўмни ташкил этган. Экспертиза кўригидан сўнг тавсия этилган қиймат 969,9 млрд сўм этиб белгиланди. Натижада иқтисод қилинган маблағ 213,8 млрд сўмни ташкил қилди. Шунингдек, бошқа дастурлар доирасида ҳамда ҳусусий инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган объектларнинг 1067 та лойиҳасига йиғма эксперт хулосалари тақдим этилган бўлиб, улардан 929,9 млрд сўм маблағни иқтисод қилишга эришилди.

Жорий йилда ҳам бошқарма ҳодимлари ҳар бир объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тежамкорлик билан, сифатли ва мукаммал тарзда ишлаб чиқишга ҳаракат қилишмоқда.

Кўп қаватли турар жойларга туташ ерларнинг эгаси йўқ, деган фикрни кўнглига жойлаб олган айрим “тадбиркорлар” Кадастр агентлиғи ёҳуд тегишли мутасадди ташкилотлардан рухсатнома олмай уйлар атрофидаги майдонларга ўзбошимчалик билан ҳар хил қурилмаларни қуришмоқда.

Афсуски, шу пайтгача бу ҳолатга кўп ҳам эътибор қаратилмагани сабабли у ерларда махсус майдончалар қуриш ёки ён-атрофни ободонлаштириш ишлари ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бунинг ортидан кимлардир фойда қўриб, аҳолига зиён етказаятгани сабабли фуқаролар турли ташкилотларга мурожаат қилишсада, бу масалага жавобгар топилмасди.

Кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолини қийнаб келган бу муаммо давлатимиз раҳбарининг эътибори тугайли барҳам топадиган бўлди. Яъни, жорий йилнинг 23 январида Президент раислигида ипотека дастури доирасида 2024 йилда амалга оширилган ишлар ва 2025 йил учун режалар муҳокамаси юзасидан бўлиб ўтган вивеоселектор йиғилишида бошқа муҳим масалалар қатори ҳозирда 14 775 та кўп қаватли уйга туташ ер мулкдорга бириктирилмагани айтилди. Шу боис, бошқарув-сервис компанияси хизмат кўрсатиши керак бўлган чегараси аниқ эмаслиги алоҳида таъкидланиб, мутасаддиларга бу уйларга туташ ерлар

чегарасини белгилаш ҳамда эгасига бириктириш вазифаси топширилди.

Одамларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлиб келаётган мазкур масалага жойлардаги Фуқаролик ишлари бўйича судлар ва Мажбурий ижро бюролари жиддий киришгани натижасида ноқонуний қурилмалар буздирилиб, уларнинг ўрнида болалар учун спорт майдончалари қуриляпти, ён-атроф ободонлаштирилмоқда. Жумладан, Сурхондарё вилоятида ҳам бу борада қатор тадбирлар бошлаб юборилди. Масалан, Термиз шаҳридаги “Жайхун” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйларнинг ҳовлисида болалар майдончаси учун мўлжалланган жойда фуқаро М. Ж. томонидан ўзбошимчалик билан ҳеч қандай ҳужжатларсиз 184 квадрат ер майдонида катта бионининг пойдевори қурилгани маълум бўлди.

Аҳолининг эътирозларига қарамай, ўзбошимча “тадбиркор” ўз билганидан қолмай, қурилиш ишларини давом эттирди. Аммо кўза кунда эмас, кунда

синади, деганларидек ҳақли эътирозлар фуқаролик ишлари бўйича Термиз шаҳар судида қўриб чиқилиб, жавобгар М. Ж.га ўз ҳисобидан ноқонуний қурилмани бузиш мажбурияти юкланди. Бироқ, суднинг ушбу қарори ихтиёрий равишда бажарилмагани сабабли Мажбурий бюронинг шаҳар бўлими томонидан 1 миллион 875 минг сўм ижро йиғими қўлланилди ва ноқонуний қурилма бузиб ташланди.

Ковун қовундан ранг олади, деганича бор экан. Кўп қаватли турар жойларга туташ майдонлар ўз вақтида қайсидир ташкилот ёки собиқ ЖЭОлар, ҳозирда БСҚлар тасарруфига ўтказилмагани учун бу ерларда хоҳлаган киши ноқонуний қурилмаларни қурган ва узок йиллар давомида фойдаланиб келган. Жумладан, Олтинсой, Сарюсиё, Жарқўрғон, Денов, Шеробод ҳамда бошқа туманлардаги кўп қаватли уйлар олдида савдо дўконлари, автомобилларга хизмат кўрсатувчи шохобчалар, сартарошхона, ҳаттоки пуллик хожатхоналар қуриб олинган. Ачинарлиси, уларнинг кўпчилиги ўз фаолиятини солиқ ташкилотларидан аширган ва электр манбаидан ноқонуний равишда фойдаланган. Айни пайтда бундай ўзбошимча ҳаракатларга тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида барҳам берилаяпти.

Халқимизнинг фаровон турмуш кечиришини янада яхшилаш ва бу йўлда уларга ҳалал бераётган тўсиқларни олиб ташлашга қаратилган ташаббус-

ларни қўллаб-қувватлаб, имкон даражасида ўз ҳиссасини қўиш ўрнига кунлик тушумдан ўзини тиймайдиганлар ҳам йўқ эмас. Бир мисол, Фуқаролик ишлари бўйича Сарюсиё туманлараро судининг ижро ҳужжатиға асосан, Ўзун туманидаги “Саховат” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида “Муҳаммад Маҳмадражабов доришунос” фермер хўжалигига тегишли бўлган ер майдонида ўзбошимчалик билан ноқонуний қурилган савдо дўконини бузиш ва ер майдонини фермер хўжалиғи ихтиёрига қайтариш белгиланган. Унумдор ва суғориладиган экин майдонида ноқонуний қурилган савдо дўконини ихтиёрий бузиш учун жавобгар С. М.га муддат берилган бўлсада, ижроси таъминланмагани учун 3 миллион сўм ижро йиғими қўлланилиб, савдо дўқони бузиб ташланди ва ер майдони фермер хўжалигига қайтарилди.

Сурхондарё вилояти Мажбурий ижро бюроси бошқармасининг катта инспектори Қобилжон Турсуновнинг таъкидлашича, кейинги даврда мана шундай ҳолатлардан 385 тасининг фаолиятига чек қўйилди ва шу кунгача туман ҳокимларининг қарори билан кўп қаватли биноларга туташ майдонлар бошқарув сервис компанияларига бириктирилди. Бугунги кунда ҳам ноқонуний қурилмаларга чек қўйиш ишлари бюронинг жойлардаги бўлимлари ва Фуқаролик ишлари бўйича судлар ҳамкорлигида давом этмоқда.

Бухоро вилояти

“БОҒИДАШТ”ДАГИ “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВИ аҳоли учун замонавий, хавфсиз ва фаровон яшаш муҳитини таъминлашга хизмат қилади

Зулфизар МАВЛОНОВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бухоро туманидаги “Боғидашт” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивида бугун қурилиш ишлари авжида. Ушбу массивда жами 111 та кўп қаватли турар жой биноси барпо этилиши режалаштирилган. Уларнинг 88 таси лотлар асосида тақсимланиб, шундан, 70 та лот “Е-аукцион” платформаси орқали қурилиш-пудрат ташкилотларига сотилган.

Бугунги кунга келиб, мазкур 70 та лотдан 58 тасида қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Йил якунига қадар 12 та кўп қаватли турар жой биноси фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Изчил ислохотлар ва самарали ҳаракатлар натижасида ушбу кўрсаткич режадан юқори бўлиши кутилмоқда. Қолаверса, ҳудудда болаларнинг айнан турар жойларга яқин манзилда таҳсил олишлари учун ҳам шароитлар яратилади. Жумладан, массив ҳудудида иккита замонавий мактаб қурилади. Мактабнинг ҳар бири 990 ўринга мўлжалланган. Шунингдек, учта мактабгача таълим муассасаси (МТМ) барпо этилади. Уларнинг иккитаси 180 ўринли ва биттаси 420 ўриндан ibорат.

Янги массивда аҳолининг саломатлигини назорат қилиш ва тиббий хиз-



матни йўлга қўйиш учун 250 қатновли оилавий шифохона ҳам қурилади. Бу муассаса маҳаллий аҳолини сифатли тиббий хизмат билан таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, массив ҳудудида аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондириш мақсадида 1 та эко бозор ва 1 та маҳалла маиший хизмат биноси ҳам барпо этилади. Қолаверса, бу ерда маҳаллий ишбилармонлар ва тadbиркорлар учун ҳам қулай шарт-шароитлар яратилади.

– “Боғидашт”даги “Янги Ўзбекистон” массиви аҳоли учун замонавий, хавфсиз ва фаровон яшаш муҳитини таъминлашга хизмат қилади, – деди Бухоро вилояти ҳокимининг қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммунал-қилилар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари Жалол Арашов. – Лойиҳада барчаси мукамал тарзда ўйланган бўлиб, ҳар бир турар жой ичимлик ва оқова сув, узлуқсиз электр,

газ ва иссиқлик тармоқлари билан таъминланади. Шунингдек, 4 километрли автомобиль йўларини қуриш ҳам лойиҳа режасига киритилган.

Мазкур бунёдкорлик ишларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш “Қишлоққурилишлойиҳа” давлат муассасасига топширилган бўлиб, қурилиш ишлари “PREMIUM METAL LUX”, “Ачилов Миршод”, “Жемчуг строй плюс” сингари хусусий пудрат ташкилотлари томонидан амалга оширилмоқда. Ҳозирда массив ҳудудида икки мингта яқин курувчи меҳнат қиялпти.

Ушбу лойиҳа вилоят миқёсида Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлиши шубҳасиз. Қолаверса, янги массивдаги бунёдкорликлар орқали аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш, таълим ва тиббий хизматлар сифатини ошириш ҳамда иқтисодий ўсишга ҳисса қўиши ҳам кўзда тутилган.

Сирдарё вилояти

Филиал фаолияти тежамкорликка асосланган

Бехзод АҲМАДКУЛОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Юртимизда аҳолига қулай яшаш муҳити ва турмуш тарзини яратиш мақсадида Сирдарё вилоятида ҳам қатор ишлар амалга ошириляпти. Айни пайтда қиш мавсуми бўлгани учун аҳолининг асосан коммунал соҳалардаги муаммоларини тез ва сифатли бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Бу борада “Худудгаз Сирдарё” газ таъминоти филиали томонидан олиб борилаётган тадбирлар ҳам эътиборга молик. Жумладан, суюлтирилган газ инфратузилмаси бўйича 121 та маҳалладаги 81,9 мингта хонадонни белгиланган муддатларда суюлтирилган газ билан таъминлаш юзасидан тегишли ишлар амалга оширилди. Хусусан, “аутсорсинг” асосида, хусусий газ тўлдириш иншооти ишга туширилиши юзасидан тадбиркорлар орасида тарғибот ишлари олиб борилди. Му-

рожаатларга асосан, янги газлашган ва яшовчилар кўпайган хонадонлар 227 дона маиший газ балон билан таъминланди. Бугунги кунда суюлтирилган газ истеъмолчилари учун 7 та МАН ва 21 та ИСУЗИ махсус юк автомобиллари орқали суюлтирилган газ етказиб берилмоқда. Захирада 1 119 дона маиший газ балони мавжуд. Шунингдек, 2025 йил 1 февраль ҳолатига қўра, суюлтирилган газ етказиб бериш даврийлиги 45 кундан ортган истеъмолчилар 2 145 тани ташкил этган ҳолда, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3 224 тага қисқарган.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш юзасидан ҳукуматимиз томонидан кўплаб ислохотлар олиб борилиб, соҳага оид кўплаб қарор, фармон ва бошқа меърий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, табиий газни иқтисод қилиш ва истеъмолчиларни



барқарор энергия ресурслари билан таъминлаш юзасидан Президентимизнинг 2024 йил 14 июндаги ПҚ-222-сонли қарори тасдиқланган. Ушбу қарорда 2024 йилда “Худудгаз Сирдарё” ГТФ бўйича 57,3 миллион м³ табиий газни иқтисод қилиш белгиланган. Филиал томонидан белгиланган режа асосида мақсадли кўрсаткичларни амалга оширилиши натижасида ўтган йил мобайнида 57,6 миллион м³ табиий газ иқтисод қилинди.

Жумладан, бу натижага замонавий энергия тежамкор газ жиҳозларини жорий қилиш, аҳоли хонадонларини 2 босқичли тизимга ўтказиш, ГТПларни демонтаж қилиш, уларда режим сошлаш ишларини амалга ошириш, газ қувурларини тартибга келтириш, “Ўз-энергияинспекция” Сирдарё вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда 60 тадан ортқ ишлаб чиқариш қорхонасида табиий газни тежаш бўйича кўрсаткичларни бажартириш ҳамда

ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини олдини олиш ҳисобига эришилди.

Булардан ташқари, ўтган йиллардаги қуш-қиш мавсумида табиий газ таъминотида юзага келган муаммоли ҳолатлардан хулоса чиқариб, ҳар бир шаҳар ва туманлар бўйича мавжуд камчиликлар бартараф этилди. Бунинг натижасида 49 та маҳалладаги 19,6 мингта аҳоли ҳонадонларининг газ таъминоти яхшиланди. Шунингдек, вилоятдаги 10,9 километр газ тармоқлари реконструкция қилиниб, 32 дона газ тақсимлаш пункти мукамал таъмирланди. 123,7 километр газ тармоқлари босим остида зичликка синалиб, ҳаво босими ёрдамида тозаланди ҳамда ер ости газ қувурларининг 113,2 километр қисми махсус прибор ёрдамида текширилиб, 171,0 километр газ қувурлари эстетик жиҳатдан тартибга келтирилди.

Шу билан бирга, ҳукуматнинг тегишли қарорлари ижроси юзасидан ишларни амалга ошириш мобайнида режадан ташқари, 166,7 километр газ тармоқлари реконструкция қилиниб, 32 дона газ тақсимлаш пункти мукамал таъмирланди. 123,7 километр газ тармоқлари босим остида зичликка синалиб, ҳаво босими ёрдамида тозаланди ҳамда ер ости газ қувурларининг 113,2 километр қисми махсус прибор ёрдамида текширилиб, 171,0 километр газ қувурлари эстетик жиҳатдан тартибга келтирилди.

Қувонарлиси, жорий йилда филиал мутахассислари ҳам юқоридаги ишларни янада қатта ғайрат ва шижоат билан бажариб келмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси

Обод йўллар юртимиз кўрки

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ҳар қандай мамлакат маданиятини йўллар белгилайди, деган ибора бекорга айтилмаган, албатта. Ушбу йўналишда бугун юртимизнинг нафақат шаҳар ва туманларида, балки энг олис чекка ҳудудларида ҳам аҳолининг узогини яқин қилиш мақсадида равон ва текиш йўллар қурилмоқда.

Бунн бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси мисолидан ҳам кўриш мумкин.

– Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида умумий фойдаланишдаги 4 минг 177 километр автомобиль йўли бўлиб, шундан 664 километрини халқаро аҳамиятдаги, 964 километрини давлат аҳамиятидаги ҳамда 2 минг 549 километрини маҳаллий аҳамиятдаги йўллар ташкил этади, – деди Қорақалпоғистон Республикасини Автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи Умрбек Матназаров. – Ўтган йил мобайнида мазкур йўлларни таъмирлаш ва ободонлаштириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди. Хусусан, Президентимизнинг 2022 йил 30 декабрдаги “2023 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Осиё тараққиёт банки иштирокида Кўнғирот тумани ҳудудидан ўтувчи халқаро аҳамиятдаги А-380 “Ўзор – Бухоро – Нукус – Бейнеу” автомобиль йўлининг цемент-бетон қопламали янги йўл барпо этилди. 2024 йилда 353,7 миллиард сўм маблағ эвазига умум-фойдаланишдаги 534,3 километр автомобиль йўли ва 17 та кўприк таъмирланди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 25 декабрдаги “2024 – 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида 9 та объектда 115,7 миллиард сўмлик қайта қуриш ишлари бажарилди. Ушбу автомобиль йўлларининг жами 34 километр қисми, А-380 “Ғу-



зор – Бухоро – Нукус – Бейнеу” автомобиль йўлининг 753 ва 698 километр қисмида ваэн ҳамда ҳажм параметрларини назорат қилиш пунктлари қурилиб, замонавий техник воситалар билан жиҳозланди. Жорий йилда ҳам йўл қурилиш соҳасидаги ишлар жадвалдавом этмоқда. Хусусан, Осиё тараққиёт банки иштирокидаги А-380 “Ўзор – Бухоро – Нукус – Бейнеу” автомобиль йўлининг 673–698 километр (25 км) қисмини цемент-бетон қопламаси билан реконструкция қилиш лойиҳаси ва ушбу йўлнинг Қорақалпоғистон Республикасининг Тўртқўл, Эллиққалъа, Беруний туманларини боғловчи 581–673 километр қисмида қурилиш ишлари бошланади.

Қорақалпоғистон Республикасида 14 та кўприк ва 497,3 километр узунликдаги йўлларни республика бюджет хисобидан жорий таъмирлаш, қузиш мавсумида сақлаш, йўл бўйларини кўкаламзорлаштириш ишларига 214,2 миллиард сўм маблағ ажратилди. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида ва кўприкларда содир бўлган табиий офат оқибатларини бартараф қилиш мақсадида 2 та кўприк ҳамда май ойда кўп ёгингарчилик бўлган лиги сабабли А-380 “Ўзор – Бухоро – Нукус – Бейнеу” автомобиль йўлининг 665, 668 ва 671 километр оралиғидаги йўлнинг қатнов қисмига етказилган зарар бартараф этилди ва фойдаланишга топширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 10 октябрдаги “Йўл хўжалиги соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбир-

лари тўғрисида”ги қарорига асосан, Автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш ишларига хусусий секторни жалб қилиш йўлга қўйилди. Аутсорсинг шартномалари асосида А-380 “Ўзор – Бухоро – Нукус – Бейнеу” автомобиль йўлининг 648–668 километри умумий 20 километрғача бўлган қисмида пудратчи қорхоналар томонидан қурилиш ишлари олиб борилди.

Автомобиль йўллари бош бошқарма томонидан 2024 йилда бюджет маблағлари хисобидан умум-фойдаланишдаги автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилган. Хусусан, йил давомида 3 минг 214 дона йўл белгиси алмаштирилиб, 1440 километр узунликда ётиқ йўл чизиклари чизилди. Шу билан бирга, Нукус шаҳридаги Давлат аҳамиятига эга 4Р176А “Нукус Темир йўл вокзалига” автомобиль йўлида 2 дона транспорт светофор қурилмаси реконструкция қилинди, 3 та пиедалар светофори янгидан ўрнатилди. Жорий йилда эса ушбу амалга оширилган ишларни 2 баробарга ошириб, 4 минг 500 дан зиёд йўл белгисини янгидан ўрнатиш режалаштирилмоқда. Оғир юк ташувчи транспорт воситаларини назорат қилиш мақсадида 5 та ҳудудда стационар ва мобил тарози қурилиб, ишга туширилди.

Булардан ташқари, ички хўжалик автомобиль йўлларининг манзилли рўйхати шакллантирилиб, ўтган йилда бир минг 14,4 километр ички йўлларда 235,8 миллиард сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Хусусан, “Та-

шаббустн бюджет” дастурининг биринчи мавсумида 14 та тумандаги 38 та объектда жами 69,7 километр автомобиль йўлининг 44,5 километрини асфальтлаш, 25,2 километрга шағал ётқизиш ва 4 километр пиедалар йўлакчасини таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ушбу дастурнинг иккинчи мавсумида 9 та тумандаги 29 та объектда 46,5 километр автомобиль йўлининг 35,9 километрини асфальтлаш ва 10,6 километрга шағал ётқизиш ишлари олиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 11 октябрдаги “Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари қўчалари ҳамда ички хўжалик йўллари инфратузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси ички йўллари ҳатловдан ўтказилди. Бугунги кунда жами 11 минг 605 километр йўл мавжудлиги аниқланиб, шундан 109 километр цемент-бетон, 1 755,6 километрини асфальт-бетон, 4 минг 816,3 қум-шағал қопламали ҳамда 4 минг 923,6 километрини тупроқ йўл ташкил қилади. Жорий йилда 1 минг 373 километр тупроқ йўлга шағал ётқизиш ҳамда 60,3 километр автомобиль йўлини асфальтлаш режалаштирилган.

Ушбу амалга ошириладиган ишлар натижасида ҳудудда йўл инфратузилмаси янада яхшиланиб, аҳолини қийнаб келаётган муаммолар ижобий ечимини топади. Чунки йўллар созлиги аҳоли ривожидан дарак берувчи муҳим омилдир.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МЎБОРАК БЎЛСИН!

2025 йилнинг 21-24 февраль саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик “Call-center” диспетчери **Анвар Тoшмуродов**, вазирилик электромонтёри **Улугбек Нормуратов**, Иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш ва эксплуатация фаолиятини мувофиқлаштириш бош қармаси бош мутахассиси **Элдор Муҳиддинов**, “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ бухгалтерияси бош мутахассиси **Жавлон Занжиров**,

“O‘zbekiston bunyodkori” Нашриёт уйи МЧЖ бош директори **Дилшод Джалалов**,

“Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi” қурилиш соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш бўлими бош мутахассиси **Ўткирбек Мусабоев**, хўжалик мудир **Латипбай Аллабергенов**,

“Ўзғоғирсаноатлойиҳа” АЖ ИЛСК етакчи мутахассиси **Сардорбек Боқиев**,

“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ етакчи бухгалтер **Насиба Азимова**, “Жиззах” филиали лойиҳа бош муҳандиси **Умиджон Абдусатторов**,

Андижон вилояти Андижон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бош мутахассиси **Ўткирбек Мамталиев**,

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси рақамли технологиялар бўйича бош мутахассиси **Сўхроб Муҳиддинов**, диспетчерлик хизмати оператори **Бахтиёр Набиев**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси девонхона етакчи мутахассиси **Замира Ибрагимова**,

Қашқадарё вилояти Косон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Достон Нарзуллаев**,

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бўлим бошлиғи **Асқарбек Муҳиддинов**, лаборант **Фирдавси Назаров**,

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Шухрат Эшқулов**, Ховос тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Дилшод Бекназаров**,

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги “Умид тухфаси” БСК МЧЖ бош директори **Чарос Ҳалилова**,

Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидаги “Pozitiv Kommunal” БСК МЧЖ бош директори **Абдували Исаков**, Бектемир туманидаги “Comfort Tmm” БСК МЧЖ бош директори **Мансур Тувалов**ларни таваллуд қуни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲҚАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!

ХИЗМАТИДАН ЮРТ ЯШНАМОҚДА

Ҳамза ШУКУРОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Янгилиниб бораётган жонажон Ўзбекистонимизда барпо этилаётган осмонўпар бино ва иншоотлар, замонавий ўқув юртлари, мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари, тиббиёт муассасалари, равон йўллар ва кўприклар, хиёбону савдо марказлари, муҳташам уй-жойлар ҳудудлар қиёфасини тубдан ўзгартириб, халқимиз турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Муҳими, бундай яратувчилик замирида меъморлар, қурувчилар ва бошқа мутахассисларнинг ҳиссаси бекиёс. Ана шундай касбига содиқ ҳодимларни ўз сафига мужассам этган Самарқанд вилоятидаги “Армас” масъулияти чекланган жамияти ҳақида ҳам илиқ фикрлар билдириш мумкин. Жамоа аъзолари бугунги кунда вилоятдаги йирик қурилиш ва ободонлаштириш ишларини лойиҳалаштириш билан шуғулланиб келмоқда. Аҳамиятлиси, унга 18 йиллик тажрибага эга малакали архитектор, намунали тadbиркор Ғайратжон Хаджиев раҳбарлик қиялпти.

Корхона ташкил этилгандан буён республика миқёсида фаолият кўрсатиб, ўз моддий-техника базасини мустаҳкамлашга муваффақ бўлган. Айниқса, қурилиш соҳасида “Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этишдек эзгу ишлар бошлангандан сўнг “Армас” жамоасида ўзига хос жўшқинлик, ўзгача ижодий муҳит кўзга ташланди. Бу даврда қурилиш-лойиҳалаш ишларига гўёки қайтадан жон киритилди. Масалан, корхона томонидан Каттакўрғон шаҳридаги 16-МТМ ва Самарқанд давлат чет тиллар институти ётоқхонасини капитал таъмирлаш, Самарқанд тиббиёт институти учун ўқув корпуси ва Самарқанд шаҳри С. Бухорий кўчасида бунёд этилажак кўп қаватли уй-жой бинолари қурилиши лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишлари бажарилган. Кейинги йилларда эса Самарқанд шаҳридаги “Ипак йўли” халқаро туризм ва маданий мерос университети биноларини реконструкция қилиш, “Навобий” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида архитектура маҳсулотлари ва қоплама плитка ишлаб-чиқариш заводи, Қашқадарёнинг Нишон туманидаги “Нуристон” аҳоли пунктида 48 хонадонли кўп қаватли уй-жойлар, Тошкент вилоятидаги “Дангир” аҳоли пунктидаги 48 хонадонли кўп қаватли турар жойлар каби иншоотларнинг лойиҳа-сметалари тайёрланган.

2020 йилда лойиҳалаштириш ишлари ҳажми янада ошди. “Армас” жамоаси мутахассислари Самарқанд давлат чет тиллар институтига 4 қаватли ўқув корпуси қурилиши, 3 қаватли информацион ресурс маркази барпо этилиши, Каттакўрғон туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларида хирургия, тугруқ, қабул диагностика ва бошқа ёрдамчи биноларни реконструкция қилиш каби йирик лойиҳа-смета ҳужжатлари тузилишида иштирок этишди. Қолаверса, маъмур корхона томонидан Самарқанд давлат университетининг биология факультети ҳудудида 700 ўринли ўқув ва лаборатория биноси қурилиши, Пастдарғом туманидаги “Тўққой” МФЙ Қадам қишлоғида ичимлик сув таъминини барпо этиш, Иштихон ту-



манидаги “Бойтуби” МФЙ Питов қишлоғида сув иншооти ва сув тармоғи учун лойиҳа-смета ҳужжатлари бажарилган.

– 2022 йилдан йирик қурилиш ва ободонлаштириш ишларини лойиҳалаштириш ҳажми кескин ошди, – деди “Қадриятимиз шинам муҳитда ҳаловат бўлади” деган шиор остида меҳнат қилаётган “Армас” МЧЖ раҳбари Ғайратжон Хаджиев. – Бир йилда 2 миллиард сўмдан зиёд иш бажаришга эришилган ўзи бўлмади. Жумладан, Пахтачи туманидаги Гўрўғли, Тинчлик, Кўрпа, Қувондиқ, Сардоба ва Хунарманд маҳаллаларида ичимлик сув тизимини барпо этиш ва реконструкция қилиш, Самарқанд шаҳар Хишрав қўрғониде жойлашган СамДУнинг Ботаника боғи ҳудудида мавжуд ўқув биносини реконструкция қилиш, бир неча ёрдамчи иншоотлар ҳамда Самарқанд давлат университети биология факультети ҳудудида 150 ўринли кафе-ошхона биноси қурилиш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди. Уларнинг барчасига ижодкорона руҳда ёндошилгани туфайли меҳнатимиз маҳсули ўзимизнигина эмас, иншоотлар масъулларини ҳам қувонтирди.

“Фаол тadbиркор” кўкрак нишони соҳиби, иктидорли меъмор Ғайратжон Хаджиевнинг таъкидлашича, 2023-2024 йиллар давомида “Армас” МЧЖ бунёдкорлари томонидан бажарилган ишлар ҳам қувончли бўлди. Жумладан, ўтган йили Самарқанд вилояти туманларида кўп қаватли турар жой комплекслари қурилиши ва Самарқанд шаҳридаги Ва-танпарвар маҳалласи ҳудудида 30 гектарлик кичик массив комплексининг мастер план лойиҳалари бўйича 1,2 миллиард сўмлик лойиҳа-смета ишлари бажарилган. Бундай йирик ҳажмдаги ишларнинг амалга оширилишида жамоа мутахассислари билан бир қаторда тажрибали устозлар, маслаҳаттўй ҳамкасблар билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилгани жамоа ютуқларига қанот бағишламоқда.

Энг фаолларга тахририят мукофотлари топширилди

Ҳар бир газета тахририяти учун обун мавсуми энг муҳим жараён ҳисобланади. Чунки обунанинг кам ёки кўплиги ўша газетанинг келгуси фаолиятини, тақдирини белгилаб бевурчи асосий омилдир.



Сирдарё вилояти



Самарқанд вилояти



Наманган вилояти

Шу боис, “O‘zbekiston bunyodkor” газетаси тахририяти жамоаси ҳам 2025 йилги обуна мавсумидаги тарғибот тadbирларида газета илхосмандларини янада фаолликка қорлаш мақсадида бир қанча мукофотлар таъсис этганди. Хусусан, обуна жараёнида фаол қатнашиб, ҳудудда газета обуна режасини бажарган Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотлар ноутбуклар билан мукофотланиши ваъда қилинган эди.

Мавсум якунида учта ташкилот – Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси, Самарқанд вилояти ҳамда Наманган ви-

лояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари ўшбу мукофотни қўлга киритишди.

Мукофотларни топшириш мақсадида ташкил этилган тadbирларда газета бош муҳаррири Дилшод Жалолов жамоаларни ўшбу ютуқ билан табриклаб, обуна жараёнида фаол қатнашгани учун миннатдорчилик билдирди.

Ўшбу ташаббус кенг қулоқ ёзиб, келгуси йилларда бошқа ташкилотлар ҳам обуна мавсумида фаол иштирок этиб, нафақат мукофотга эга бўлишди, балки газетамизнинг қамрови янада кенгайишига ҳисса қўшишди, деган умиддамиз.

Ўз муҳбиримиз.

ИНВЕСТИТОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ҳурматли ишбилармон ва тadbиркорлар!

Ўзбекистоннинг йирик банкларида бири бўлган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг “SQB Capital” МЧЖ инвестиция компанияси маҳаллий ҳамда чет эллик инвесторлар билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри, Олмазор туманида барпо этилаётган Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказига туташ ҳудудларда (Қорасарой кўчаси) амалга ошириладиган лойиҳаларни биргаликда амалга оширишни таклиф этади.

Қуриладиган объектлар: 3 қаватли меҳмонхона биноси, 3 қаватли миллий таомлар ошхонаси, 2 қаватли савдо маркази биноси.

Қўшимча маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин:

100128, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси, 10-“А” уй.
Тел.: 71-244-51-05, 244-55-15.
Электрон почта: psb_capital@mail.ru

“Respublika mulk markazi” МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва chorvachilikни ривожлантириш бўлимининг 2025 йил 3 февралдаги 02/24-58-сонли қилишув хатига асосан қуйидаги автотранспорт воситалари чиқарилмоқда:

1. Бўзатов тумани Ветеринария ва chorvachilikни ривожлантириш бўлимига тегишли, Бўзатов тумани, А. Темур кўчаси, 8-уйда сақланаётган 2020 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 471 ВВА бўлган, қоникарсиз ҳолатдаги капитал таъмирталаб “ДАМАС VAN” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 21 451 000 сўм.

2. Шуманай тумани Ветеринария ва chorvachilikни ривожлантириш бўлимига тегишли, Шуманай тумани, Ўзбекистон кўчаси, 140-уйда сақланаётган 2020 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 572 КВА бўлган, қоникарсиз ҳолатдаги капитал таъмирталаб “ДАМАС VAN” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 21 451 000 сўм.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва chorvachilikни ривожлантириш бўлимига тегишли Нукус шаҳри, Чимбой гузори рақамсиз уйда сақланаётган 2018 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 364 ЕАА бўлган, қоникарсиз ҳолатдаги капитал таъмирталаб “ЛАСЕТТИ” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 48 753 000 сўм.

Аукцион савдо 2025 йил 24 март куни соат 11.00 дан бошлаб Нукус шаҳри, А. Шамуратов кўчаси, 117-“Б” уй манзилда жойлашган “Respublika mulk markazi” МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали биносиде ўтказилади.

Аукцион савдода иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар расмий иш қунари соат 10.00 дан 16.00 га қадар қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). **Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати:** аукцион савдодан бир кун олдин соат 18.00 гача.

Савдо ёлиби деб топилган шахсларга 20 иш қуни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдога қўйилган мулклар билан шанба ва якшанбадан ташқари қунари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси “Respublika mulk markazi” МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 7005 7145 2012 АТБ “Давр банк” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850 ОКОНХ 84200.

Аукцион савдо ўтказиладиган манзил: Нукус шаҳри, А. Шамуратов кўчаси, 117-“Б” уй.
Тел.: 61-222-84-44.
Расмий сайт: www.tmm.uz

ВЯЧЕСЛАВ АЛЕКСАНДРОВИЧ МАКАРОВ

19 февраля 2025 года на 75 году жизни скоропостижно скончался замечательный человек, выдающийся конструктор, директор по производству института АО “O‘zog‘irsanoatloyiha”.



Вячеслав Александрович прошёл славный жизненный путь. 1972 году окончив Ташкентский политехнический институт работал мастером, старшим прорабом Строительно-монтажного управления №50, руководителем мастерской Ташкентского Государственного института “Ташгипрогор”, в дальнейшем генеральным директором и директором по производству Акционерного общества “O‘zog‘irsanoatloyiha”.

Под его непосредственным руководством были разработаны проекты и строительство крупных объектов, имеющих значение для республики. В числе которых, предприятие по производству силовых агрегатов “Дженерал моторс Пауэртрейн-Узбекистан”, производство алюминиевых деталей методом высокоточного литья под давлением, новое строительство мемориального комплекса Имама аль-Бухари в Райяркском районе Самаркандской области, завод по организации производства электромобилей на новых источниках энергии (BYD), строительство зданий и сооружений Центра Исламской культуры в г. Ташкенте и многие др.

Заслуги Вячеслава Александровича

Макарова по праву отмечены высокими государственными и ведомственными наградами. 10 мая 2023 году Агентством оборонной промышленности при Министерстве обороны Республики Узбекистан за проводимую в сотрудничестве работу по укреплению обороноспособности страны он был награжден нагрудным знаком Министерства обороны – “Намунали хизмати учун” (“За образцовую службу”).

В. А. Макаров был замечательным человеком, руководителем, семьянином. Обладал большим трудолюбием, был всегда требователен к себе и своим подчиненным, пользовался уважением среди сотрудников института. Его многолетняя плодотворная работа в сфере проектирования и строительства нашей страны обращена на благо человека. Он был заслуженно уважаемым наставником для всех сотрудников института и проектировщиков сферы строительства нашей Родины.

Светлая память о Вячеславе Александровиче Макарове навсегда останется в нашей памяти и сердцах.

**Коллектив института
АО “O‘zog‘irsanoatloyiha”.**



ЎТМОЙ-ЎТМОЙ ГАЗЕТА
**O'ZBEKISTON
BUNYODKORI**
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Хидоятлов,
(Тахрир хайъати раиси),
Давронжон Адиллов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирожидин Ёшқувватов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магмуров,
Бобир Элмуродов,
Илҳом Аҳмедов.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир	Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари	Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи	Акмал Маҳмамов
Мусакхх	Марҳамат Мусулмонқулова

**Газета “Ўзбекистон бунёдкори”
Наширёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.**

“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ” НАШИРЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги,
“Ўзсаноатқурилишматериаллари”
уюшмаси, “ЎЗАШҚИЛИТИ” ДУК,
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК,
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ,
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навобий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (тахририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ҲУДУДЛАРДАГИ МУҲБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон
Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навобий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Бурутма – Г- 241.
2022 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси қилинган
нардда. ISSN 2181-8762. Тахририятта
қелган қўлғизмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг типографик жиҳатдан
сифати чоп этилишига
“Шарқ” наширёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
Р. Хўжаева.
Навбатчи –
А. Ҳақбердиев.

Ўза якуни – 2053.
Топширилди – 2230.